



**International Conference on Educational Discoveries and Humanities**

**Hosted online from Moscow, Russia**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> February, 2025

## **БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Эргашева Васила Абдумажитовна,

Олмалиқ кон-металлургия комбинати “Олмалиқметаллургқурилиш” трести  
“Мөхнатни ташкил этиш ва иш ҳақи” бўлими етакчи муҳандиси

### **Аннотация**

Ушбу илмий тадқиқот ишида бюджет ташкилотларининг ички назорат тизимини такомиллаштириш масалалари баён қилинган. Бюджет ташклотларида молия – хўжалик фаолиятига оид қарорларни қабул қилишда ички назорат тизимининг ўрни ўрганилган.

**Калит сўзлар:** бош ҳисобчи, бухгалтерия, бухгалтерия ҳисоби, бюджет ташкилоти, бюджет ҳисоби, ички назорат, ҳисоб сиёсати.

### **Аннотация**

В данной научно-исследовательской работе рассматриваются вопросы совершенствования системы внутреннего контроля бюджетных организаций. Изучена роль системы внутреннего контроля в принятии решений по финансово-хозяйственной деятельности в бюджетных организациях.

**Ключевые слова:** главный бухгалтер, бухгалтерия, бухгалтерский учет, бюджетная организация, бюджетный учет, внутренний контроль, учетная политика.

### **Abstract**

This research paper examines issues of improving the internal control system of budgetary organizations. The role of the internal control system in decision-making on financial and economic activities in budgetary organizations is studied.

**Keywords:** chief accountant, accounting, bookkeeping, budgetary organization, budgetary accounting, internal control, accounting policy.



# E CONF SERIES



**International Conference on Educational Discoveries and Humanities**

**Hosted online from Moscow, Russia**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> February, 2025

Ички назорат бу бюджет ҳисобини юритишда, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бутсақланишини таъминлаш, талон–торож қилиш ҳоллари ва хатоликларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш мақсадида бюджет ташкилотининг раҳбари томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилган чора–тадбирлар тизими тушунилади [1]. Ҳар бир бюджет ташкилоти ўз ички назоратини ташкил этади ва амалга оширади.

Бунда қўйидагилар текширилади ва мунтазам назорат қилиб борилади:

- ташкилот фаолиятининг бюджет қонунчилиги талабларига мувофиқ-лиги;
- ташкилот раҳбарининг буйруқлари ва кўрсатмалари ижроси;
- хўжалик муомалаларининг бошланғич ҳисоб ҳужжатларида тўғри расмийлаштирилиши;
- ҳисоб юритишда хатолар ва бузилишларнинг олди олинганлиги;
- бюджет ташкилотлари томонидан топшириладиган молиявий ҳисоботларнинг ўз вақтида тузилганлиги ва топширилганлиги;
- ташкилот мулкининг сақланишини таъминланганлиги.

Бош ҳисобчи бошчилик қиласиган бюджет ташкилотининг бухгалтерияси мустакил таркибий бўлинма ҳисобланади ва ташкилотнинг бошқа бирон – бир бўлинмаси таркибига киритилиши тақиқланади [3].

Бюджет ташкилотининг бош ҳисобчиси ташкилотнинг тегишли бўлинмалари ва хизматларининг раҳбарлари билан биргаликда қўйидагиларни мунтазам равишда назорат қилиши шарт:

- товар–моддий қимматликларнинг қабул қилиниши ва топширилишини расмийлаштиришда белгиланган қоидаларга риоя этилишини;
- меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тўғри сарфланиши, мансаб маошларининг тўғри белгиланиши, штат, молия ва касса интизомига қатъий риоя этилишини;
- пул маблағлари, товар–моддий қимматликлар, асосий фондларни инвентаризация қилиш, ҳисоб–китоблар ва тўлов мажбуриятларини бажаришнинг белгиланган қоидаларига риоя этилишини;



# E CONF SERIES



**International Conference on Educational Discoveries and Humanities**

**Hosted online from Moscow, Russia**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> February, 2025

- белгиланган муддатларда дебиторлик қарзни ундириб олиниши ва кредиторлик қарзнинг қайтарилиши бўйича тегишли чора–тадбирларнинг кўрилишини, тўлов интизомига мунтазам риоя этишни;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш.

Бюджет ташкилотининг бош ҳисобчи қуидаги ҳукуқларга эга:

- бухгалтерия ҳисоби ва назорат ишлари тўғри ташкил этилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора–тадбирлар кўришни ташкилот раҳбаридан талаб қилиш;
- таркибий бўлинмаларда пул маблағлари, товар–моддий ва бошқа қимматликларни қабул қилиш, сақлаш ҳамда сарфлаш юзасидан белгиланган тартибга амал қилинишини текшириб туриш;
- мукофотлар ҳажмларини пасайтириш (агарда қонунчиликда белгиланган нормалардан ошиб кетган бўлса) тўғрисида ташкилот раҳбариға таклифлар киритиш;
- ташкилотнинг барча бўлинмаларидан бухгалтерия ҳисобини юритиш учун талаб қилинадиган хужжатлар ва маълумотларни расмийлаштиришни ҳамда бухгалтерияга тақдим қилишни талаб қилиш;
- қонунчиликда белгиланган бошқа ҳукуқларни амалга ошириш [2].

Бюджет ташкилотининг бош ҳисобчиси қуидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

- бухгалтерия ҳисоби нотўғри юритилиб, натижада тартибсиз ҳолатга келгани ва молиявий ҳисбот бузилганда (нотўғри тузилганда);
- пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа қимматликларни кирим қилиш, сақлаш ва сарфлаш юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибга зид операциялар бўйича хужжатлар расмийлаштирилган ва ижрога қабул қилинган ҳолларда;
- пул маблағлари бўйича операциялар, шунингдек, дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кечикиб ҳамда нотўғри амалга оширилганда;
- камомадлар, дебиторлик қарзлари ва бошқа йўқотишларни бухгалте-рия ҳисобидан чиқарилиш тартиби бузилганда;



# E CONF SERIES



**International Conference on Educational Discoveries and Humanities**

**Hosted online from Moscow, Russia**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> February, 2025

– бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга доир бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганды.

Бюджет ташкилотларида ҳам бошқа ташкилотлар сингари ички назорат ташкилотнинг тасдиқланган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилади [4]. Ҳисоб сиёсатида қуидагилар кўрсатилиши керак:

- бюджет ташкилотининг бухгалтерия хизмати ташкилий тузилмасини;
- бюджет ташкилотида инвентаризация ўтказишнинг тартиби ва муддатларини (инвентаризация қилиш мажбурий бўлган ҳоллардан ташқари);
- бюджет ташкилоти томонидан фойдаланиладиган ва унда синтетик ва аналитик счёtlар рўйхати бўлиши лозим бўлган ишчи счёtlар режасини;
- ҳужжатлар айланмаси графигини;
- ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усувларини (қўлда ёки дастурий таъминотни қўллаш орқали);
- намунавий шакллари назарда тутилмаган, хўжалик операцияларини қайд қилиш учун қўлланиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг шаклларини;
- асосий воситаларнинг инвентарь рақами тузилмасини;
- бирламчи ҳисоб ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини;
- асосий фондларни қайта баҳолаш услубларини;
- инвентаризация қилишда (ортиқча ёки камомадда) мулкни баҳолаш услубларини;
- қуий турувчи тасаррufидаги ташкилотларнинг ҳисбот тақдим этиш муддатларини;
- товар (иш, хизмат)лар калькуляциясини шакллантириш тартибини.

Агар назорат бюджет ташкилоти инфратузилмасига ўрнатилган бўлса, ички назорат энг самарали бўлади.



# E CONF SERIES




International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: econfseries.com

16<sup>th</sup> February, 2025



**1-расм. Ички назорат тизимининг қарорлар қабул қилиш тизимидағи ўрни**

Бюджет ташкилотларида ички назорат тизимининг самарали ишлаши учун ташкилотнинг ҳисоб сиёсати профессионал тарзда шакллантирилиши зарур. Шунингдек, ушбу ҳисоб сиёсати бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини юритишида қўлланилаётган “УзАСБО” дастурий мажмуасига ҳам мос бўлиши керак.

Ички назорат хатолар, исрофгарчиликларни минималлаштириш, фирибгарлик ва ўғирлик ҳолатларининг олдини олиш механизми сифатида хизмат қилиш учун мўлжалланганлигини инобатга олган ҳолда, у бюджет ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ барча турли рискларни қамраб олиши керак. Бу бюджет ташкилотларининг ўз мақсадларига эришиш қобилиятида муҳим рол ўйнайди.



# E CONF SERIES



**International Conference on Educational Discoveries and Humanities**

**Hosted online from Moscow, Russia**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> February, 2025

---

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кулибоев А.Ш. Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий назорат: назария ва амалиёт. Монография. –Т.: «Iqtisod –Moliya», 2023. – 236 б.
2. Kuliboyev A.Sh. Budget tashkilotlari jamg‘armalari hisobi. Darslik. – Т.: «MAKON ZIYO NURI», 2024. –290 б.
3. Мехмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: «Iqtisod –Moliya», 2016. –136 б.
4. Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш. Монография. –Т.: «VNESHINVESTPROM», 2021. –208 б.